



СЕМИОТИКА – БЕЛГИ ВА СИМВОЛЛАРНИ ЎРГАНАДИГАН ФАН СИФАТИДА

*Кўчқорова Садоқат Тошпўлатовна,
СамДЧТИ таянч докторанти*

Калим сўзлар: семиотика, белги, символ, Пирс, Моррис, интерпретанта, репрезентамен, десигнат, семиозис, триадик муносабат.

Символ ва белгиларни тадқиқ қилишга киришилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Дастлаб тиббиётга оид бўлган, француз тилида 1752 йилдан қўлланила бошлаган ва вербал ва новербал белгиларни ўрганадиган *семиотика* фани изоҳли луғатларда биринчи маъноси “касаллик белгиларини ўрганувчи фан” сифатида қайд этилган *семиология* деб аталган [LPR,2003].

Ф. де Соссюр, Ч. Пирс, Ч. Моррис ушбу соҳанинг асосчилари ҳисобланади. 1910 йилда Ф.де Соссюр “Тилшуносликнинг умумий курси” (*Cours général de la linguistique*) асарида *семиология* атамасини янги талқин қилди ва унинг тадқиқот сатҳини белгилаб берди: « ... Демак, биз ижтимоий ҳаёт доирасидаги белгилар ҳаётини ўрганадиган фан ҳақида ўйлашимиз керак; [...]; биз уни *семиология* деб номлаймиз. Ушбу фан бизга белгилар нимадан иборат эканлигини, қандай қонуниятлар асосида бошқарилишини ўргатади. Ҳозирда мавжуд бўлмаганлиги учун, унинг қандай бўлишини айта олмаймиз; лекин, у мавжуд бўлишга ҳақли ва унинг ўрни олдиндан белгиланган. Тилшунослик мазкур умумий фаннинг фақатгина бир қисмидир. ...” [Saussure 2005: 22].

Ўзининг *Cours de linguistique générale* асарида олим *signe*, яъни белгини “қоғознинг икки томонидек” ажралмас, белгининг “тавдаси” бўлган *ифодаловчи* (*signifiant*) ва *ифодаланмиш* (*signifié*) хусусидаги назарий қарашларини нафақат лисоний белги – сўзга (*ифодаловчи* – акустик белги, *ифодаланмиш* – концепт), балки барча турдаги ва *ифодаланмиш* сатҳи ҳам, ўз навбатида, турлича (*акустик*,

визуал, олфактив (ҳид билиш) ва густатив (таъм билиш)) бўлган белгиларга қўллаш учун йўл очиб берди. Тилни – фикрларни *ифодаловчи белгилар тизими*, ушбу тизимдаги лисоний бирликлар мустақил равишда мавжуд бўла олмайди [Saussure 2005] деб таърифлаган Соссюр бу ҳолатни шахмат ўйинига қиёс қилади: тилда табиий равишда *ифодаланган* ҳолат шахмат доскасида сунъий тарзда намоён бўлади, яъни худди тилдаги ҳар бир бўлакнинг моҳияти унинг бошқа лисоний бирликлар билан бўлган муносабатидаги каби, шахмат доналарининг аҳамияти уларнинг шахмат доскасидаги ўрнига боғлиқ. Ҳар бир юриш биргина донага тааллуқли бўлади, лекин, ушбу донанинг янги ўрни ўйинда *пассив* кўринган доналарга таъсир кўрсатиб, шахмат партияси бутунлигини тамоман ўзгартириб юбориши мумкин. *Ифодаловчи* (*signifiant*) ва *ифодаланмиш* (*signifié*) ўртасидаги муносабатларни *ихтиёрий* (*arbitraire*) дея изоҳлаган Соссюр, символни *ихтиёрий* бўлмаган, *ифодаловчи* (*signifiant*) ва *ифодаланмиш* (*signifié*) орасидаги табиий алоқанинг *ибтидо*сига асосланган муносабат [Saussure 2005: 76] сифатида талқин қилади. Шу сабабли, адолат рамзи ҳисобланган тарозини ҳар қандай нарса, масалан, арава билан *ифодалаб* бўлмайди.

Даниялик олим Л.Ельмслев (L. Hjelmslev) (1899-1965) Соссюр назарияси асосида лисоний белгини ўзи муаллифлик қилган глоссематика доирасида таҳлил қилишга уринди [Hjelmslev 1968]. Р.Бартнинг [Barthes 1964: 91-135] фикрича, даниялик олим лексик ва семантик нуктаи назардан жуда бой бўлган *шакл* (*la forme*) ва *субстанция* (*la substance*) атамаларига янги маъно берди: *шакл* (*la forme*) бу, –



хеч қандай экстралингвистик шарт-шароитларга таянмасдан тилшуносликда содда, узвий ва батафсил равишда тасвирланиши мумкин бўлган тушунча; *субстанция (la substance)* бу, – экстралингвистик шарт-шароитларга таянмасдан туриб тасвираб бўлмайдиган лисоний ходисалар хусусиятлари йиғиндиси. Ушбу бирликлар ифода ва маъно планида куйидаги сатҳларни юзага келтиради: 1) *ифода мазмуни (la substance de l'expression)* : масалан, фонетика (фонология эмас) соҳаси шуғулланадиган функционал бўлмаган талаффуз, товуш субстанцияси; 2) *соссюрча ифодаловчи (signifiant)*га тўғри келадиган, парадигматик ва синтактик қоидалардан иборат бўлган *ифода шакли (la forme de l'expression)*. 3) *мазмун субстанцияси (la substance du contenu)*: булар, масалан, нутқ билан тизимланмаган узлуксиз воқелик, ифодаланмишининг эмоционал, ғоявий ёки шунчаки концептуал хусусиятлари, ижобий маъноси бўлиши мумкин. 4) *соссюрча ифодаланмиши (signifié)*га тўғри келадиган *мазмун шакли (la forme du contenu)*: бу – ифодаланмиш (*signifié*) ларнинг семантик белгининг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги орқали ўзаро акс этишидир. Ельмслев талқинича, лисоний белги *мазмун шакли (la forme du contenu)* ва *ифода шакли (la forme de l'expression)* ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Америкалик олим Чарльз Сандерс Пирс (1837-1914) *семиология* атамасига синоним сифатида *семиотика* сўзини киритди ва *семиология* атамаси эндиликда, маълум белгилар тизимининг ўзига хослигини тавсифлаш учун қўлланилади [Courtès 1991: 18].

Пирс ифода планида семиотик белгиларни уч гуруҳга ажратди: объектга ўхшайдиган *икона ёки иконик белгилар*, бевосита объектни кўрсатувчи *индекслар* ва мавҳум маъноли, объектга алоқадор бўлмаган мазмунни билдирувчи *символлар*.

Пирс назарияси бўйича, “белгининг муносабат майдони уч йўналишдан иборат: 1) белги, аниқроғи – *репрезантамен*, бирор нарсанинг ўрнини

алмаштирувчи моддий кўринишга эга бўлган восита; 2) идрок этувчининг онгидан ўрин олган ва белгининг тавсифини берувчи восита – *интерпретанта*; 3) белгида акс топаётган объект” [Сафаров 2008: 38]. *Репрезантамен* биринчи даражали, чунки у соф ифода намунаси; аввалдан мавжуд бўлган ва у ҳақда гап бораётган *объект* иккинчи даражали; лекин жараён учинчи томон - *интерпретанта* туфайли амалга ошяпти ва айнан у, маъно муносабатларини фаоллаштиради. *Интерпретанта* ҳам ўз навбатида, саноғи йўқ талқинларга эга бўлиши мумкин. Масалан, ”Мен сизга бир ит ҳақида гапираман”, жумласини мисол қилиб олсак, бу ерда *ит* сўзи – репрезантамен, ушбу сўздан англашилган нарса – бу *объект*, унинг биринчи *интерпретантаси* бу, – ит концептидир. Пирс ушбу муносабатни *белгининг фундаменти* деб таърифлайди. Лекин, семиотик жараён бу билан тугамайди, чунки ушбу белги остида, балким кейинчалик, масалан, маълум бир ит зоти хусусида гап борадиган бўлса, инсон онгида у билан боғлиқ бошқа *интерпретанталар* туғилиши табиийдир. Бу жараён *семиозис* деб аталади.

Пирснинг фикрича, белги уч категорияли **триадик** муносабатдир. Ушбу категориялар биринчи, иккинчи ва учинчи сонларига мос равишда, *бирламчилик (Firstness; La priméité)*, *иккиламчилик (Secondness; La secondéité)* ва *учламчилик (Thirdness; La tiercéité)* катўғри келади [Everaert-Desmedt, www.signosemio.com/peirce].

Бирламчилик (Firstness; La priméité) – бу, барча нарсдан мустақил бўлиш тушунчасидир. Масалан, дард-алам дейилганда, бу тушунчанинг бош оғриғи, куйиб қолиш ёки рухий азоб билан боғлиқлигини аниқлаштиришимиздан олдинги пайдо бўладиган умумий таассуротни оламыз. Пирс *бирламчилик (Firstness)*да фақатгина БИР борлигини таъкидлайди. Яъни, ушбу тушунча хеч қандай чегара ва қисмларсиз, сабаб ва натижаларсиз *бутунлигича, умумийлигича*



намоён бўлишдир. У ҳиссий ҳаётга тўғри келади.

Иккиламчилик (*Secondness; La secondéité*) бу, – бошқа бирон нарсага нисбий бўлиш тушунчасидир. Бу индивидуаллик, тажриба, мавжудлик, фаолият, ҳаракат ва реакция категориясидир. Масалан, улоқтирилган тош ерга тушади, шамол парраги шамол эсган томонга йўналади, инсон тиш оғриғидан азоб чекади. Иккиламчилик, ўтмиш ўлчови ҳозир бўлган вақт билан алоқадор бўлади: бир ҳодиса бирон вақтда содир бўлди, ундан олдин бошқа воқеа бўлиб ўтган эди ва унинг натижасида кейинги ҳодиса юзага келди. Иккиламчилик – амалий ҳаётга тўғри келади.

Учламчилик (*Thirdness; La tiercéité*) бирламчи ва иккиламчи ўртасида муносабатни боғловчи воситадир. У қоида ва қонуннинг бошқарувчисидир; лекин, бирон бир қонун бирон ҳодиса амалга ошгандагина намоён бўлади, демак – бу ерда иккиламчилик бор. Иккиламчилик – индивидуалликнинг категорияси ҳисобланса, бирламчилик ва учламчилик – умумийлик категорияларидир. Лекин, бирламчиликнинг умумийлиги имконият доирасида (*de l'ordre du possible*) бўлса, учламчиликнинг умумийлиги зарурият доирасида (*de l'ordre du nécessaire*) бўлади. Масалан, тортишиш қонуни бизга ҳар сафар отган тошимиз ерга тушишини олдиндан айтиш имконини беради. Демак, *учламчилик* тафаккурнинг, нутқнинг, семиотик жараённинг категориясидир. У ақлий ҳаётга тўғри келади.

Юқорида келтирилган Пирсинг семиотик жараёни юзага келтирувчи “учлиги” яъни, *репрезантамен, объект, интерпретанта*, бирламчилик, иккиламчилик ва учламчилик (трихотомия) хусусиятларига эга бўлади.

Яна бир америкалик олим, Чарльз Моррис (1901-1979) семиотикага белгилар ҳақида маълумот берувчи – *метабелги* тушунчасини киритди. Ўзининг “Белгининг назарий асослари” асарида у, юнонларга бориб тақаладиган, одатда, уч ёки тўртта омилни ўз ичига олган жараён

сифатида семиозиснинг учта компонентини: *белги воситаси* (*sign vehicle*), *десигнат* (*designatum*) ва *интерпретанта* (*interpretant*)ни белгилади ва тўртинчи компонент сифатида *интерпретатор* (*interpreter*) бирлигини киритди. Унинг фикрича, ушбу атамалар белги ким учундир нимагадир ишора қилади қабилидаги оммалашган фикрдаги ошкор бўлмайд қолган омилларни ошқора ифодалайди. Масалан, овчи ит маълум товушни эшитгач, ўзини бурундук овидагидек туттади. Бунда, маълум товуш – *белги воситаси* (Б), итнинг хатти-ҳаракати – *интерпретанта* (И) ва худди бурундук овидагидек тутиши – *десигнат* (Д) ёки бир саёҳатчи дўстининг хати (Б)га асосланиб, маълум бир географик макон (Д) да ўзини мувофиқ равишда тутиш (И)га тайёрланади. Шу тарзда, семиозисда бир нарса бошқа нарсани учинчи бир нарса воситасида ҳисобга олади [Моррис 1983: 37-89].

Ўз таҳлиллари ва назариялари асосида, олим семиотикани *синтаксис, семантика ва прагматика* каби уч илмий йўналишга ажратди. “Унинг таърифича, синтактика “белгиларнинг ўзаро синтактик муносабатларини уларнинг объект ёки интерпретатор – тавсифловчига бўлган муносабатидан ажратган ҳолда ўрганишдир”, семантика эса “белгиларнинг ўз *десигнат* (белги ифодалаётган объектлар синфи [Сафаров 2008: 40])лари, яъни улар воситасида ифодаланаётган объектга бўлган муносабатини” таҳлил қилади ва ниҳоят, прагматика “белгининг ундан фойдаланувчи – интерпретаторга нисбатан муносабатини ёритувчи фандир” [Сафаров 2008: 39-40].

Моррис олма йўқ бўлган музлатгичдан ушбу мевани излаш ёки ҳеч қачон мавжуд бўлмаган ёки аллақачон сув остига ғарқ бўлган оролда яшаш учун тайёргарлик кўриш мисоллари барча десигнатлар ҳам реал объектлар (денотатлар) билан боғланмаганлигини очиб берди [Моррис 1983: 37-89].

Олим турли лисоний белгиларни фарқлаб, бешта турга ажратади:



1. “қаерда? сўроғига жавоб берувчи *идентификатор-белгилар*;

2. “нима?” сўроғига жавоб берувчи *десигнатор белгилар*;

3. “нима учун?” сўроғига жавоб берувчи, афзал кўриш тушунчаси билан боғлиқ *баҳоловчи белгилар*;

4. “қандай?” сўроғига жавоб берувчи *прескриптив белгилар*;

5. интерпретатор хулқ-атворини бошқа белгилар билан муносабатга йўналтирувчи *тизимловчи белгилар* [Степанов 1967: 73-77].

Инсон ҳаётининг бошидан охиригача белгилар босими остида бўлади. Инсонларга таъсир кўрсатиш даражасига кўра, Моррис юкоридаги лисоний белгилардан десигнаторларни биринчи, баҳоловчи (аппрайзер)ларни иккинчи, прескрипторларни учинчи ва тимловчиларни охириги ўринга кўяди [Башков <https://paradigma.narod.ru/03/>].

Белги ва символ тушунчаларини бир хилда талқин қилиш керакми, деган савол ҳар доим турли соҳа олимлари ўртасида баҳс-мунозарага сабаб бўлган. Уларнинг иккови ҳам асосий муносабатда бир даражада турадилар: яъни, улар ўзларидан ташқаридаги нарсани ифода этадилар. Масалан, белгига оддийгина мисол сифатида, светофорнинг қизил чироғини олсак, у айнан ўзини эмас, балки, машиналар тўхташи кераклигини билдиради. Худди шундай символ ҳам, ўз чегарасидан ташқарида ифодаланаётган воқеликка ишора қилади. Айнан шу хусусият билан символ белгидан фарқ қилади, яъни белгидан фарқли ўлароқ символ, ўзи ифодалаётган нарсдан фарқ қилса-да, унинг мазмун ва кучида иштирок этади. Мисол учун, алфавит ҳарфларини олсак, улар ўзлари ифодалаётган товушда иштирок этмайдилар, лекин бирор мамлакатнинг байроғи рамз сифатида, ўша давлатнинг кучи ва ҳокимияти мазмунини ҳам ифодалайди. Демак, белги ва символ ўртасидаги фарқ – бу, уларнинг ўзлари ифодалаётган воқеликда иштирокидаги фарқ дейиш мумкин.

“Символ” сўзининг келиб чиқиши бўйича турлича фикрлар мавжуд. Аксарият

манбаларда, у грекча “σύμβολον (symbolon)” сўзидан олинган дея тахмин қилинади. Қадимги грек мифологиясида ёруғлик худоси ва санъат ҳомийси Аполлон, илоҳий дунё ва оддий бандалар олами ўртасидаги воситачи вазифасини бажарувчи савдо-сотик ва даромад худоси Гермес худосига Symbolos номини берган [Mirea 2017]. Римликларнинг тиссарлари (tesserae), яъни ҳарбий буйруқ сўзлари ёзилган мумланган тахтачаларни ҳам греклар “σύμβολον (symbolon)” деб аташган. Қадимги греклар уйига келган меҳмон билан хайрлашаётган пайтларида унга иккига бўлинган кичкина идишнинг бир қисмини берганлар ва ушбу қисм кейинги учрашуларда бу инсонлар учун *шахсини тасдиқловчи ҳужжат (удостоверение личности)* бўлиб хизмат қилган ва ушбу кичкина идиш *символ* деб аталган.

Символ тушунчасига берилган таърифларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз:

“Символ (юнон. symbolon – рамз, тамға, шартли белги ёки нишон) – ўз табиатига кўра моддий ёки маънавий ҳодиса бўлиб, муайян мавхум ғоя ёки тушунчани ҳиссий образли – тимсол тарзида ифода этади. С., оддий ёзма ёки товушли тил белгиларидан фарқли ўлароқ, оламнинг у ёки бу ҳодисаси эмас, балки билвосита, ҳиссий ёки мантикий образ воситасида инсон учун муайян мавхум тушунча шаклида акс эттиради” [ЭЛ 2010].

“Символ – бирон кишига олдиндан белгилаб қўйилган нарсани эмас, балки, бир вақтнинг ўзида, тасаввурлар йиғиндиси ва уларнинг эмоционал ва таъсирли юкининг ўчоғи, [...], антропологик, космологик ва диний ўхшашликларнинг магнит майдонини ифода этади [Alleau 1976: 57]”.

“Символ – демак, белгига қараганда каттароқ тушунча. [...]. У ҳиссиёт ва жўшқинликка тўла. У нафақат, пардалаб, айрича маънони намоён қилади, балки, уни маълум бир тарзда ўзгартириб амалга оширади. У тафаккур билан ўйин қилади [Chevalier 1969]”.



“Символ – яширин маънони пайдо килувчи тушунча, бирон сирнинг *эпифаниясидир* (насронийлар диний байрами). (...) Символнинг белгидан асосий фарқи шундаки, белги – ифодаловчи ва ифодаланмишни, объект ва субъектни бир-бирига “бегона” қилиб кўядиган эркин келишув бўлса, символ – фаол ҳаракатланувчи маъносида ифодаловчи ва ифодаланмишнинг жипслигини таъминлайди” [Durand 1963].

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, Р.Алло таснифлаганидек, *символни* исониятнинг руҳияти, тафаккури ва дунёқараши билан ижтимоий аҳамияти кўпроқ бўлган *белгидан* кўра жипсроқ боғланганлиги сабабли, уни белгига қараганда қамрови кенг тушунча деб қараш мумкин.

Жан Шевалье барча символларга хос бўлган қуйидаги хусусиятларни белгилади [Chevalier 1969: 15-28]:

1. *Мавҳумлик (Obscurité)*: символ ақлий заковат ва эстетик қизиқишдан устун келади.

2. *Руҳлантуриш (Stimulation)*: символ маълум бир ҳаётни яратади, у ҳаяжонга солади.

3. *Тиккалик (Verticalité)*: символ ҳодисалар, объектлар ва белгилар ўртасида ўта кучли ақлий ва бой тасавурли муносабатларни ўрнатади.

4. *Юксаклик (Hauteur)*: символ чексизликдан кўтарилади, у инсонни фаш қилади.

5. *Кўп ўлчамлилик (Pluridimensionnalité)*: ҳар бир символ бир неча кўриниш, шакл, маъно ва талқинни ўзида мужассам қилади.

6. *Турғунлик (Constance)*: ифодаловчи (le symbolisant) ва ифодаланмиш (le symbolisé) орасидаги муносабат сақланади. Масалан, тўнқарилган товоқ, гарчи гумбаз ёки чодир шаклини эслатса ҳам, одатда, осмонни ифодалайди.

7. *Нисбийлик (Relativité)*: юқоридаги турғунликка қарамай, символлар ўзгарувчан бўлади, (...), кишилар уйқуда ёки уйғоқ ҳолда, яратувчи ёки таржимон сифатида уларни турлича қабул қилдилар.

Рус олими Е. Шелестюк [Шелестюк 1997: 125-143] эса айнан лингвистик символнинг қуйидаги хусусиятларини белгилади: 1) образлилик; 2) мотивлашганлик; 3) символ маъносининг мажмуавийлиги ва ундаги маъноларнинг тенг ҳуқуқлиги; 4) “имманент” кўпмаънолилик ва символ мазмуни чегарасининг мавҳумлиги; 5) символнинг архетиплиги; 6) унинг алоҳида олинган маданиятлардаги универсаллиги ва турли замон ва макон маданиятларида символларнинг кесишуви; 7) символнинг мифология, адабиёт, санъат ва бошқа семиотик тизимлардаги ўрни.

Символ турларини фарқлаш учун француз семиологи П. Гиро бир неча мезонларни таклиф қилди [Guiraud 1971]:

1. келиб чиқиши жиҳатидан: табиий ёки маданий;

2. маълумот беришжиҳатидан: имплицит ёки эксплицит;

3. таркиб жиҳатдан: ягона (масалан, сариқ ранг бир элементли) ёки кўп элементли (бинафша ранг қизил ва кўк – икки элементдан ташкил топган);

4. белги жиҳатдан: субъектив ёки объектив;

5. субстанция жиҳатдан: инерт ёки жонли, моддий ёки руҳий, визуал ёки акустик, предмет ёки ҳодиса;

6. соҳа жиҳатдан: кундалик ҳаёт, санъат, туш ёки тафаккур, миф ёки удум;

7. мақсад жиҳатдан: ижтимоий ахборот бериш ёки яширин ички ифода.

Ушбу мезонлар бўйича, масалан, тошбақа тимсолини таҳлил қилиб кўрамиз. Тошбақа деярли барча маданиятларда, биринчи навбатда, секинлик, *сустлик рамзи*: ифодаловчи “тошбақа” ва ифодаланмиш “секинлик, сустлик” орасидаги муносабат *табиий*, чунки тошбақа табиатан суст ҳаракатланади; *кўп элементли*: чунки тошбақанинг нафақат юриши, чайнаш ва бошқа ҳаракатлариям секиндир; *кўп маъноли*: чунки тошбақа сустлик билан бир қаторда узоқ умрлилик ва ҳ.ларнинг ҳам тимсоли ҳисобланади; *эмплицит*: тошбақани кўрганданок инсон унинг нима учун сустлик рамзи эканлигини сезади; *объектив*: чунки



тошбақа/суслик боғлиқлиги тўқиб
чиқарилмаган ва универсалдир.

Соссюрнинг белги ва
ифодаланмишни ўз ичига олган билатерал
концепцияси семиотика фани
ривожланиши учун пойдевор вазифасини
ўтаган бўлса, ўз навбатида, Пирсинг
триадик концепцияси Ричардс ва Огденлар

томонидан ривожлантирилди ва
лингвистика ва семантикада ахамиятга эга
бўлди. Греймаснинг семиотик квадрат ва
актантли модель концепциясидан матн
структур таҳлилида белгилар
муносабатини ўрганишда унумли
фойдаланилади.

Адабиётлар:

1. Le petit Robert. Dictionnaires de Robert. Paris, 2003. –р.2402
2. F.de Saussure. Cours de linguistique général. Edition Arbre d’or. Genève, 2005. – р.22.
3. Hjelmslev L. Prolegomènes à la théorie de la langue. Payot, Paris, 1968.
4. Barthes Roland. Éléments de sémiologie. In: Communications, 4, 1964. Recherches sémiologiques. pp. 91-135.
5. J.Courtès. Analyse sémiotique du discours. Hachette, Paris. 1991. – р.18.
6. Ш.Сафаров. Прагмалингвистика. Ўзбекистон миллий энциклопедияси, -Тошкент: 2008. – 38 бет.
7. N. Everaert-Desmedt. La sémiotique de Pierce. Dir. Louis Hébert. Signo (en ligne), Rimouski (Québec) <http://www.signosemio.com/peirce/semiotique.asp>.
8. Ч. У. Моррис. Основания теории знаков. // Семиотика - М.: 1983. С. 37-89.
9. Степанов Ю.С. Структура современной семиотики и её основные понятия. // Язык как знаковая система особого рода. Материалы к конференции.- М.:1967. С.73-77.
10. Д. А. Башков. Семиотика Ч. С. Пирса и Ч. Морриса:
<http://paradigma.narod.ru/03/bashkov.html>
11. G.d’Alviella. La migration des symboles. Paris, Ernest Leroux Editeur, 1891.
12. Daniela Mirea. Autour du concept du symbole. BDD-A26470 2017 Arhipelag XXI press (article)
13. Энциклопедия символы и знаки. <http://sigils.ru/symbols/>
14. Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие, Издательский центр Академия, 2000.
15. Jean Borella. Mystere du signe. Editions Maison Neuve Larose, Paris, 1989.
16. Фалсафа энциклопедик луғати. Тошкент, 2010.
17. R. Alleau. La science des symboles. Paris, Payot, 1976.
18. Jean Chevalier, Dictionnaire des Symboles, Laffont, 1969.
19. Gilbert Durand, Les Structures Anthropologiques de l’Imaginaire, Paris, 1963.
20. Jean Chevalier et Alain Gheerbrant, Dictionnaire des symboles, 1969.
21. Шелестюк Е. В. О лингвистическом исследовании символа // Вопросы языкознания. 4. М.: «Наука», 1997. Сс. 125-143.
22. Pierre Guiraud, La sémiologie, PUF, coll. «Que sais-je ?», 1971.

Кучкарова С. Семиотика как наука, изучающая знаки и символы. В данной научной статье рассматриваются происхождение, место и развитие семиотики в науке. Были проанализированы научные теории мировых ученых об объектах изучения этой науки - знаках и символах, их свойствах и сделаны выводы.

Kuchkarova S. Semiotics as a science of signs and symbols. This scientific article discusses the emergence, place and development of the semiotics as science. The scientific theories of world scientists about the objects of study of this science as signs and symbols, their properties are analyzed and conclusions are drawn.